

САВОЛ: Аллох таоло Куръони Каримда: «Тоглар кўтармаган юкни одамзот бўйнига олди», дейди. Тоглар кўтармаганининг сабаби нимада?

ЖАВОБ: Бисмиллахи рохмани рохийи.

Билиб-билмай, Куръонда у деган, бу деган, деб айтиш яхши эмас. Киши ўзи гапираётган гапнинг маъносини аввал ўзи яхшилаб англаб олиши керак. Куръони Каримда «юк» эмас, «омонат» дейилган.

Аллох айтади:

«Албатта, Биз бу омонатни осмонларга, ерга ва тоғларга таклиф қилдик. Бас, улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан кўрқдилар. Уни инсон кўтарди. Дархақиқат, у ўта золимдир, ўта жохилдир» (Ахзоб сураси 72-оят).

«Омонат» сўзи «амана» феълининг масдари – иш-харакат номи бўлиб, «ишониб топширилган нарса» деган маънони англатади. Ушбу ояти каримадан Аллох таолонинг омонати, бирортага ишониб топшириладиган нарсаси борлиги тушунилади. Бу омонат нима эди, деган саволга уламоларимиз ушбу оятдан ва бошқа турли манбалардан келиб чиқиб, «Шариат таклифлари ва Аллохнинг фарзлари», деб жавоб берадилар. Бошқача килиб айтганда, Аллох таолонинг Ўз ҳақиқига, инсонларнинг ҳақиқига ва бошқа махлуқотларнинг ҳақларига боғлиқ амрларини, наҳйларини, кўрсатма-таълимотларини ва ҳукмларини ўз жойига қўйиш бўйича Унинг ишонган вакили бўлиш таклифи, демакдир. Бу эса ўз ихтиёри билан бўладиган нарсадир. Яъни ўша таклифларни амалга оширадиганлар ўз ҳурриятига – хоҳласа, амал қилиб, хоҳламаса, қилмаслик ихтиёрига эга бўлади. Ушбу оятдан Аллох таоло мазкур омонатни Ўзининг турли махлуқларига таклиф қилгани билинади.

«Албатта, Биз бу омонатни осмонларга, ерга ва тоғларга таклиф қилдик».

Аллох таоло шариат таклифларини, фарзларини, Ўз амр ва наҳйларини қабул қилишни Ўзи яратган чексиз, мустаҳкам осмонларга таклиф қилган. Бепоён, турли мавжудотларни, махлуқотларни ўз ичига олган ерга таклиф қилган. Саботли ва сервикор тоғларга таклиф қилган.

«Бас, улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан кўрқдилар».

Бу омонатни кўтариш шунчалик оғир эдики, хатто шундай улкан, пишиқ, қувватли ва умри узун осмонлар, замин ва тоғлар ҳам уни кўтаришдан кўрқдилар. Бу омонатни удралаб, ўрнига қўя олишларига кўзлари етмади. Ихтиёрий бўлиб, омонатни бўйинларига олишнинг ўрнига, ихтиёрсиз бўлиб, доимий равишда ўзлари учун Аллох таоло қўйган чегарадан қилча ҳам четга чиқмай юришни афзал кўрдилар.

«Уни инсон кўтарди».

У омонатни инсон кўтарди. Чексиз осмонлар кўтаришдан кўрққан омонатни уларнинг остида яшайдиган кичик зарра – инсон кўтарди. Улкан ва қадимий ер кўтаришдан кўрққан омонатни унинг устида яшаётган умри қиска, кичик бир жонзот – инсон кўтарди. Салобат ва қувват рамзи бўлган тоғлар кўтаришдан кўрққан омонатни уларнинг орасида яшайдиган кўримсиз ва заиф бир махлуқ – инсон кўтарди.

«Дархақиқат, у ўта золимдир, ўта жохилдир».

Дархақиқат, инсон жинси (хамма эмас, албатта) ўта золимдир. Ўзига юклатилган ва ўзи қабул қилган омонатга мувофиқ иш юритмасдан, ўзига ўзи зулм қилади.

Инсон жинси ўта жохилдир, шунинг учун ўзи рози бўлиб, қабул қилиб олган омонатнинг

улканлигини билмасдан, унга хиёнат килади. Инсон зулм килавермасдан, ўзига юклатилган омонатни адо этсин. Инсон жохил бўлавермасдан, ўзига юклатилган омонатнинг канчалик нозик эканини тушуниб етсин. Ахир унга осмонлар, ер ва тоғлар кўтаришдан кўрккан омонат юклатилган-а! Валлоху аълам.